

Иш № [REDACTED]
Маърузачи судья: [REDACTED]

Биринчи инстанция судида раислик
қилган судья: [REDACTED]

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
П Р И М И

2022 йил 26 январь [REDACTED] Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья [REDACTED], судлов ҳайъати судьялари [REDACTED] иборат таркибида, суд мажлиси баённомасини юритувчи судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] иштирокида жиноят иши бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2021 йил 1 декабрдаги [REDACTED] нисбатан чиқарган ҳукми устидан судланувчининг ўзи томонидан берилган апелляция шикоят асосида жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят иши бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2021 йил 1 декабрдаги ҳукмига кўра,

[REDACTED], 1995 йил 28 ноябрда Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, оилали, бир нафар вояга етмаган фарзанди бор, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, [REDACTED]

[REDACTED] яшаган, 2018 йил 22 майдаги ажрим билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, терговчининг 2018 йил 25 майдаги қарори билан қидирув эълон қилинган, 2021 йил 20 октябрь куни ушланиб, унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда 5 йил, 276-моддаси 1-қисми билан 1 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Ж.Рихситиллаев 2018 йил 25 март куни соат 10:00ларда қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик



моддаларини сотиб, моддий бойлик орттириш мақсадида, ўзига олдиндан таниш бўлган [REDACTED] билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлгани ҳолда Ғазалкент шаҳри [REDACTED] кўчасида жойлашган Граф дукони олдида жиноий шериги [REDACTED] 0,24 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик моддасини 70.000 сўмга сотиб олиб, [REDACTED] бўлагини “назоратли харид” тезкор тадбири иштирокчиси “Бохо” тахаллусли шахсга 70.000 сўмга сотган вақтда Бўстонлик тумани ИИБ ходимлари томонидан ушланган.

Тезкор тадбир давомида, судланувчи [REDACTED] жиноий шериги [REDACTED] сотиб олган “гашиш” гиёҳвандлик моддаси бўлагини яшаб келаётган хонадони ҳовлисида ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётганлиги аниқланиб, Бўстонлик тумани ИИБ ходимлари томонидан далилий ашё тариқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2018 йил 26 мартдаги 259-сонли хулосасига кўра, “Бохо” тахаллусли тезкор тадбир иштирокчиси томонидан тақдим этилган қуруқ қаттиқ тошсимон пресланган модда таркибида фаол гиёҳвандлик модда тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлган 0,13 грамм оғирликдаги “гашиш” гиёҳвандлик моддаси эканлиги аниқланган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2018 йил 26 март кундаги 259-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] далилий ашё тариқасида олинган модда қуруқ қаттиқ тошсимон пресланган модда таркибида фаол гиёҳвандлик модда тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлган 0,11 грамм оғирликдаги “гашиш” гиёҳвандлик моддаси эканлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] апелляция шикоятда суд ҳукмидан норозолигини билдириб, қарамоғимда бир нафар фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини инобатга олиб, жазо муддатини енгиллаштириб беришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED] суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси [REDACTED] апелляция шикоятини қаноатлантириш ва унинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” бандини чиқариб ташлаб, тайинланган жазо муддатини енгиллаштириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни муҳокама қилиб, судланувчини сўроқ қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи [REDACTED] унинг айбловига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” бандини қўшиб қўйишгани, унинг ҳаракатларида бу жиноят таркиби йўқлиги, шу ҳолат бўлган куни “бир оз чекиб олайлик” деб оғайниси [REDACTED] келгани, [REDACTED] м чекишга “наша”



сотиб олиш учун унга пул бергани, шундан кейин [REDACTED] "наша" сотиб олгани, сотиб олганидан кейин [REDACTED] а кўнғироқ қилиб, олиб келганини айтгани, у сотиб олинган "наша" ни икки қисмга бўлиб, ярмини "сиз ёши туринг деб ташлаб кетгани, у кетганидан кейин орадан 5 минут ўтар-ўтмас давлат орган ходимлари кириб келишгани, [REDACTED] давлат ходимларини [REDACTED] келганини кейин билгани, қилган ишидан пушаймон экани, [REDACTED] ноқонуний эканлигини билмагани, қарамоғимда вояга етмаган [REDACTED] афар фарзанди борлиги, оиласининг ягона боқувчиси эканини инobatга олиб, жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2021 йил 1 декабрдаги ҳукми устидан берган апелляция тартибидаги шикоятини қаноатлантириб, унга тайинланган жазо муддатини енгиллаштириб беришни сўради.

Биринчи инстанция суди иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ, жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Суд ҳукмида ЖПКнинг 457-моддасида назарда тутилган ҳал қилиниши лозим бўлган барча ҳолатлар чуқур ўрганилиб, улар юзасидан тегишли хулоса берилган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари, гувоҳлар [REDACTED] кўрсатувлари, суриштирув даврида тўпланган бирламчи хужжатлар, пул купюраларини далилий ашё сифатида қайд этиш ҳақидаги далолатномалар, судга оид кимёвий экспертизаси хулосалари, далилий ашёни олиб қўйиш баённомалари, юзлаштириш баённомалари, шахсни фотосуратидан таниб олиш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини тўлиқ топганлиги ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Судланувчи [REDACTED] жинoий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми "б" банди ва 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини айбини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб, шунингдек ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этганлигини инobatга олиб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам



қамроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида асосли хулосага келган деб ҳисоблайди.

Шунга кура, судлов ҳайъати суд ҳукмини узгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁶-497¹⁸, 497²⁶, 497³¹-моддаларига риоя қилиб, судлов ҳайъати

PDF

И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2021 йил 1 декабрдаги [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

ИМЗО

[REDACTED]

Ҳайъат аъзолари:

ИМЗО

[REDACTED]

ИМЗО

[REDACTED]

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

судья

[REDACTED]

